



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “ 5 ” март

Қ-314 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “BOBOMUROD CHORBOG‘I”
номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер
хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Бекназаров Қушоқ бошлиқ “BOBOMUROD CHORBOG‘I” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Ўзбекистон” массиви “Тўда” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 523қ-контурда жойлашган 5,0 гектар яйлов ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узок муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Ш.Бўтаевга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хоҳишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “BOBOMUROD CHORBOG'I” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Кумкургон туман Хоками
Р.Гаппаровга

Кумкургон тумани «Туда»
махалласида яшовчи фукаро
Бекназаров Кушок
томонидан
Тел:99899-510-52-93,
99899-525-53-73



А Р И З А

Ёзаман ушбу аризани шу мазмундаким, 523-кисм конторида
жойлашган 5 гектарлик бог танловга катнашимга рухсат
беришингизни итлимос килиб сурайман.

Мақсадим 5 гектар богни янгидан яратиб обод килиб
туманимизга ва оиламга фойда келтираман ва иш билан банд
буламан. Келажакда 5 кишини иш билан таъминлайман. Юкорида
курсатилган курсатмалар аслига туғри деб.

Бекназаров Кушок 

19.02.2021 й



**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил « 23 » февраль

Қумқўрғон тумани

№ 112

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туман “Тўда” маҳалласида яшовчи фуқора Бекназаров Қўшокга боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Бекназаров Қўшокга (AB1497894)** фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Талабгорнинг қишлоқ хўжалигида иш стажи 5 йил, қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта-махсус, телерадио устаси
3. Талабгорнинг 2 бош бузоқли сигири мавжуд.
4. Талабгорнинг енгил автомобили мавжуд.
5. Талабгорнинг 4 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгорнинг 0,15 га мавжуд томорқасида ғалла экинлари экиб, самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Тўда” маҳалласида яшовчи **Бекназаров Қўшокга Ўзбекистон ҳудудидан боғдорчилик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.**

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:**

426/01-41

19.02.2021 й

А.Самадов